

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ, ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ**

Носиров Рашод Адилевич,
“Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси профессори,
Тошкент давлат транспорт университети,

Темирова Светлана Владимировна,
“Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси катта ўқитувчиси,
Тошкент давлат транспорт университети,

Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, келажагини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Ўтиш даврида Ўзбекистон ўзининг мустақил сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини белгилаб олди. Демократик тамойиллар асосида Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислоҳатлар натижасида давлат ҳокимиятининг турли тизилмаларида ўзгаришлар юз берди. Ўтиш даврининг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган чуқур сиёсий ислоҳатлар амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг кафолати – Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Хусусан, республикада давлат ҳокимияти ташкил этишнинг муҳим демократик тамойиллари Конституциянинг 11-моддасида қайд қилинган бўлиб, унда “...давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципи асосланади” деб кўрсатилган. Уч ҳокимиятдан ҳар бири фаолиятида мустақил бўлиб, айна вақтда бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида давлат ҳокимияти органлари ичида қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи – Олий Мажлиснинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Мамлакат парламентининг босиб ўтган йўлини тарихий нуқтаи назардан таҳлил этар эканмиз, уни учта асосий даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр (1991-1994 йиллар). 1990-1994 йилларда мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаш номи билан аталиб, 150 депутатдан иборат эди. Шу йиллар давомида Олий Кенгаш 200 га яқин қонун, 500 дан зиёд қарор қабул қилди. Ўтиш даври парламенти бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 8 декабрда давлат бошқарувининг мутлақо янги органларини ташкил этишнинг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий негизи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Парламент ёш давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” (1991 йил 31 август), “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” (1991 йил 18 ноябрь), “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида” (1991 йил 18 ноябрь), “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида” (1992 йил 2 июль), “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида” (1992 йил 10 декабрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” (1993 йил 28 декабрь), ва бошқа мустақиллигимизни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ниҳоятда муҳим бўлган бир қатор қонунларни қабул қилди. Шундай қилиб Олий Кенгаш шу ва

шу каби бошқа қонун ҳужжатлари билан мамлакатда сиёсий ислоҳатларни янада чуқурлаштиришнинг кенг имкониятлари, аниқроғи, ҳуқуқий асосини яратиб берди.

Иккинчи давр (1995-2004 йиллар). 1995 йил 23 февралда ўз ишини бошлаган янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди ва 250 депутатдан иборат бир палатали парламент шакллантирилди. 1995 йил 23-24 февраль кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясида Ўзбекистон парламенти ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 120 кишидан иборат депутатлар блокини, 69 депутатдан таркиб топган Халқ-демократик партияси фракциясини, 47 депутатни уюштирган “Адолат” социал-демократик партияси фракциясини, 14 депутат иштирокидаги “Ватан тараққиёти” партияси фракциясини рўйхатга олди. Биринчи сессияда парламентчиликнинг демократик асосларини янада ривожлантиришга эътибор берилиб, раҳбарият кенгайтирилиб раис ва тўрт кишидан иборат раис ўринбосарлари сайланди. Қонунларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлисининг 12 та қўмитаси ташкил этилди. “Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)” институти таъсис этилди. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995-1999 йилларида ўтказилган сессияларида 10 та кодекс, 2 та Миллий дастур, 145 қонун, 452 қарор қабул қилинган, 70 та халқаро шартномалар ратификация қилиниб, амалдаги қонунларга жами 216 та қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган бўлса, 2000-2004 йилларда 101 та қонун, 300 дан ортиқ қарор, 55 та халқаро шартнома ва битимлар ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 329 та қонун ҳужжатига 1357 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Халқаро ҳуқуқий тамойиллар ва ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда давр талаби билан сиёсий ислоҳатлар кенгайтирилиб, Ўзбекистонда бир палатали парламент тизимидан икки палатали парламент тизимига ўтиш йўлга қўйилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш масаласи 2000 йил 25 майда Олий Мажлисининг 2-сессиясида илгари сурилди. Олий Мажлис 2001 йил 6 декабрида қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, 2002 йил 27 январда референдум ўтказилди. Унинг яқунлари асосида “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. 2002 йил 12 декабрда Олий Мажлисининг 10-сессияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида қарорларини қабул қилди. 2003 йилнинг 24 апрелида эса “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламентаризм ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий шакллари аниқ белгилаб берди.

учинчи давр (2005 йилдан ҳозирги пайтгача). Миллий парламентаризм ривож топишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар. Икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган

қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини эътиборга олиш амалиёти шаклланди. Ўзбек миллий парламенти фаолиятида ҳам демократик давлатларнинг парламентларига хос бўлган хусусиятлар, вакиллик, қонунчилик, ҳокимият устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида асосий йўналишларни белгилашдек универсал вазифалар намоён бўлди. Мана шу вазифаларнинг амалга ошиши баробарида халқ ҳокимиятчилиги ва давлатнинг қонунийлиги таъминлаш, давлатнинг демократик, дунёвий, ижтимоий ва ҳуқуқий хусусиятлар касб эта бошлади.

Истиқлол йилларида давлат бошқарув ҳокимияти тубдан ислоҳ қилинди. Аввало, собиқ Иттифоқ даврида фаолият юритиб келган Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг ижро қилувчи олий орган – Министрлар Советининг мақоми тубдан ўзгатирилди. 1990 йил 24-мартда Ўзбекистонда президентлик лавозими таъсис этилгандан кейин ҳаётнинг ўзи ижро этувчи ҳокимият мақомини ўзгартиришни талаб қилди. 1990 йил 15-ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони чиқди. Унга мувофиқ равишда Ўзбекистон Президенти ҳузурида Вазирлар Маҳкамаси тузилди, Президент унинг Раиси бўлди. Республикада вице-Президент лавозими таъсис этилиб, унинг зиммасига Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш ва унинг ишини уюштириш вазифаси юклатилди. 1992 йил 4-январда вице-Президент лавозими тугатилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазири лавозими таъсис этилди. Бош вазир зиммасига Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш, унинг ишини ташкил этиш вазифаси юкланди. Ўзбекистонда давлат ижро ҳокимиятини такомиллаштиришда 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим омил бўлди. Конституциянинг XX бобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституцияий-ҳуқуқий мақоми, уни ташкил этиш, фаолиятининг асосий йўналишлари ва ваколатлари белгилаб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6-майда қабул қилинган №818-ХII сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги (янги таҳрири 2003йил 29-август) Қонуни асосида олиб боради. Мазкур қонуннинг 1-моддаси биринчи бандига кўра “Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати – иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимияти органи ҳисобланади”. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маҳкамасининг 2005 йил 14-февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Регламентида янада ривожлантирилди ва мазмунан бойитилди. Унга кўра Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади.

2003 йил 24-25 апрель кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси 89-моддасининг “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади” деган қоида олиб ташланди. Конституциянинг Вазирлар Маҳкамасига бағишланган XX бобига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, илгари Конституциянинг 98-моддасида “Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади” деган қоида мавжуд бўлган бўлса, киритилган ўзгартишга кўра, 98-модданинг иккинчи қисмида “Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади”, деган қоида белгиланди. Шунингдек, Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ваколатлари кенгайтирилиб, 98-модда, 5-қисмига “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради”, 6-қисмига эса “Ўзбекистон Республикаси”нинг Президенти ушбу Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли” деган қоидалар киритилди. Мазкур киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига “Ўзбекистон Республикаси Президентига Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш учун тақдим қилиш” ваколати берилди.

Суд ҳокимияти - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши” белгилаб берилган. Суд ҳокимиятининг алоҳида ҳокимият сифатида белгиланишининг мақсади Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқи ва эркинликларининг холис орган сифатида фақат суд орқали таъминланишига эришиш ва суд аввалги жазоловчи органдан шахс ҳуқуқи ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қила оладиган органга айлантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади”.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Жиноят, Фуқаролик, Меҳнат, Оила, Уй-жой кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари суд ҳокимияти тизимини шакллантиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 107-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва шаҳар маъмурий судларидан иборат”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунга қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини рифтификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишида қўлланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатни кўриб чиқади;

6) конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахбарот тақдим этади;

7) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади”. Мазкур суд томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон собиқ иттифоқ даврида ҳам миллий, ҳам яқка ҳоким мафкура зулми остида яшади. Коммунистик мафкура ўз табиатига биноан тоталитар руҳдаги мафкура бўлиб, у асосан ҳаётнинг барча жабҳаларини эгаллашга, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётини ҳам бутунлай

назорат қилишга даъвогар эди. Коммунистик партиядан бошқа барча партиялар тор-мор қилинди, барча жамоат ташкилотлари ва нодавлат бирликлар ҳукмрон партияга бўйсундирилди. Жамият аъзоларининг эркин фикрлаш, меҳнат қилиш ва ўз шахсини интеллектуал ва маънавий жиҳатлардан юксалтириш, яратувчилик ижодий қобилиятини такомиллаштириш каби сифатларини ривожлантириш имкониятлари тоталитар режим томонидан сиқиб қўйилганлиги учун ҳам собиқ шўро жамияти ўзини ўзи ривожлантириш ва янгилаш имкониятларидан деярли маҳрум бўлган эди. Шунинг учун ҳам бу жамият тез ўзгараётган дунёга нисбатан мослаша олмади. Мамлакатда яккахоким партия ва мафкуранинг тазйиқи оқибатларида шахснинг эркин фикрлаши, ўз атрофидаги воқеликни эркин ва ҳалол таҳлил этиши, ўз ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятини тўлиқ намоён қилиши, шунингдек, ўзи хоҳлаган тарзда ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиши учун ҳеч бир шарт-шароитлар қолмаган эди. Шунинг учун ҳам жамият аъзолари ўртасида ижтимоий фаолсизлик ва боқимандалик кайфиятлари кучайди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири - 90-йиллар бошида тоталитар тузумдан эндигина халос бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда янги жамият ва давлатни бунёд этиш ислохотларининг жаҳон тажрибасининг қандай йўлидан бориши ҳали аниқ ва равшан эмас эди. Чунки, мамлакатда эскидан мерос бўлиб қолган давлатчилик анъаналари ва тоталитар жамият асоратлари ҳали сақланмоқда эди. Шунингдек, халқнинг ҳам ҳали янги жамият қуриш ва уни ташкил этишга доир тажрибаси кам, руҳияти ва сиёсий маданияти эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлардан анча узоқ эди. Ана шундай шароитда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатларига ўтиш даврининг назарий асослари ишлаб чиқилди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришда Ўзбекистон босиб ўтган йўлини тўрт босқичга бўлиш мумкин, хусусан:

биринчи босқичда (1991-2000 йиллар) жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларини яратиш ва уларнинг ишлаш тартибини тартибга солувчи "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" (1992), "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида" (1991), "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" (1992), "Сиёсий партиялар тўғрисида" (1996), "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" (1997) қонунлар. , "Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида" (1997), "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида" (1997), "Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида"ги (1999) қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияда фуқароларнинг касаба уюшмаларида, сиёсий партияларда ва бошқа жамоат бирлашмаларида бирлашиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқларини таъминлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида "Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларнинг жамоат ҳаётида иштирок этишлари учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади" деб таъкидланган. Конституция, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини ва цензурани тақиқлашни ўз ичига олган. ҳужжатларнинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига кучли туртки берди. Агар 1991 йил 1 январ ҳолатига республикада 95 нодавлат ноижорат ташкилоти фаолият кўрсатган бўлса, 2000 йил 1 январ ҳолатига уларнинг сони 2585 тага етди. Сиёсий партиялар фаолиятига келсак, эски бир партиявий тизим қулаганидан сўнг, мустақил Ўзбекистонда расмий равишда

рўйхатдан ўтган тўртта сиёсий партиялар мавжуд эди, улар оммавий сайловлар натижалари бўйича миллий парламентда вакиллар бўлган;

иккинчи босқичда (2000-2010 йиллар) фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ишлашини таъминлайдиган, мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари билан тавсифланади. Ушбу даврда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг фаолияти кафолатларини таъминлашга қаратилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини ошириш тўғрисида” ги Конституциявий қонун, “Ахборот эркинлигининг тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида”, “Жамоат фондлари тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда сиёсий партиялар фаолиятини жонлантириш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, олий қонунчилик органи ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиш назарда тутилди. Таъкидлаш жоизки, 2008-2013 йилларда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг турли ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан Жамғарма фондига 28 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Парламент комиссиясининг қарорига биноан ушбу маблағлар фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун грант танловларини ўтказиш, субсидиялар ажратиш ва ижтимоий буюртмалар бериш учун сарфланди. Кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган яна бир жамоат ташкилоти - бу 2008 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қонунлар ва давлат қарорлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон экологик ҳаракатидир. Ушбу ҳаракат олдида турган вазифаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, 2008 йилда республика қонунчилигига экологик ҳаракатдан парламентнинг қуйи палатасининг 15 нафар депутатини сайлашни назарда тутувчи норма киритилди;

учинчи босқич (2011-2016 йиллар) мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси доирасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш фондида фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши билан тавсифланади. Шу давр мобайнида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоат назорати тўғрисида” қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларда маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, уни аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантириш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимида маҳалла функцияларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов тизимини янада такомиллаштириш,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг атроф-муҳит назоратини амалга оширишда ролини кучайтириш, атроф-муҳит тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига риоя қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ва уларнинг қарорлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш, турли қатламларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, жамият томонидан амалга оширилишининг ҳуқуқий механизмини, давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросини фуқаролик институтлари томонидан амалга оширилишини, яъни жамият ва давлат ўртасидаги самарали тескари алоқани таъминлашни назарда тутилди. Умуман олганда юқорида қайд этилган қонунларнинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг жадал ривожланишига, уларнинг жамоат манфаатларини ҳимоя қилишдаги иштирокини кенгайтиришга, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларига кучли ижобий туртки берди; тўртинчи босқич (2017 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган давр) миллий тикланиш мамлакатимиз учун қийин бўлган геосиёсий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий шароитларда содир бўлганлиги билан ажралиб туради. Шу даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони, "Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори, "Шахсий маълумотлар тўғрисида", "Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида" ги қонунлар қабул қилинди ва "Аёлларни зулм ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида" "Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қатор конвенциялари ратификация қилинди.

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Т., "Ўзбекистон", 2018
2. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Т., "Ўзбекистон", 2018.
3. Ислон Каримов. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1, Т., "Ўзбекистон", 1996.
4. Ислон Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1, Т., "Ўзбекистон", 1996.
5. Ислон Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., "Ўзбекистон", 2011.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., "Ўзбекистон", 2019.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., "Ўзбекистон", 2000.
8. Shamsutdinov R. O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma. Т., "Sharq", 2013.
9. Nosirov R. A. EDUCATIONAL PROBLEMS IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIA // Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 82-85.

10. Odilovich, Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyar Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." *European Journal of Molecular and Clinical Medicine* 8.1 (2021): 1388-1396.
11. Носиров, Рашод Адилевич, Машхура Иномжановна Рахимова, and Светлана Владимировна Темирова. "Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили." *инновации в педагогике и психологии* 5.3 (2022).
12. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1974-1980.
13. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1974-1980.
14. Умарова, Р. Ш. (2019). Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни. *Достижения науки и образования*, 3 (44), 32-33.
15. Носиров Р. А. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 198-202.
16. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 86-88.
17. Adilovich, Nosirov Rashod. "History of the Sakas in Ancient Khorezm." (2022).
18. Adilovich, Nosirov Rashod. "Ethnic Formation of the Uzbek People." (2022).
19. Nosirov R. THE PLACE AND ROLE OF THE MASTER AMIR TEMUR IN WORLD HISTORY //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 203-205.
20. Adilovich, Nosirov Rashod. "THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL." (2022): 183-186.
21. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO 'NALISHI. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 242-248.
22. Насыров, Р. А. (2022). ИЗ ИСТОРИИ СОЗДАНИЯ КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 78-84.